Куч — адолатда

2014 йил
19 декабрь,
жума
№ 51 (512)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Мустақил тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган Ўзбекистонимизда ҳар жабҳада ўсиш ва янгиланиш кузатилмоқда. Буни тобора кўркамлашиб бораётган ҳаётимиз мисолида, шукроналик билан яшаётган юртдошларимиз чеҳрасида кўриш, илғаш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақил тараққиётимиз йилларида олиб борилган ислоҳотлар қамровида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизимида амалга оширилган изчил ўзгаришлар, айниқса, эътирофга лойиқ. Пировардида, Миллий Армиямиз мамлакатимиз суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, тинч, осуда ҳаётимизни сақлаш, ёшларимизни мард, жасур ва ватанпарварлик руҳида камол топтириш мактабига айланди.



ВАТАН ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА СОБИТ ҚАДАМЛАР

Ана шундай эзгу мақсадларга ҳамоҳанг Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 24 октябрда "Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори бу йўлда олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Жамоатчилик кенгаши ўтган икки йилдан зиёд вақт оралиғида соҳа тизимини ислоҳ қилишда камарбасталик қилиб келаётир. Мазкур ишларнинг бориши, эришилган ижобий натижалар ва келгусидаги режалар хусусида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг раиси Иқбол Мирзаалиевга мурожаат қилдик.

— Бугун Ватанимиз келажагига ўз ҳаётини боғлаган, касбу-кори билан юртимиз равнақига хизмат қилаётган ҳар бир юртдошимиз қатори чегара ҳудудларида Онаюртимизни қўриқлаётган аскарларимиз сон ва сифат жиҳатдан мустаҳкамланган, — дейди И.Мирзаалиев. — Жамоатчилик кенгаши демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги фаолиятининг очиқ-ошоралигини, фуқароларнинг мудофаа соҳаси ҳамда ҳарбий йўналишда амалга оширилаётган давлат сиёсатидаги иштирокини таъминлаш, ҳарбий хизматнинг нуфузини ошириш, армия сафларида хизмат қилаётган ва ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўмаклашиб келмоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

Сўз — халқаро кузатувчиларга

Демократия, тинчлик ва осойишталик – тараққиёт омили

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 21 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловларни кузатиш учун юртимизга келган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари мамлакатимиз сайлов қонунчилиги, сайлов участкаларидаги шароитлар билан танишмоқда. ЎзА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.



Чжан ЦЗИЛИ,
Шанхай чет тиллари университети декани (Хитой):

— Тошкент шаҳридаги 81-сайлов участкасида бўлдик. Сайловга юқори даражада тайёргарлик кўрилган, сайловнинг очиқ ва адолатли ўтиши, фуқароларнинг эркин овоз бериши учун барча шароит яратилган. Сайловчилар сайлов тўғрисидаги қонунчиликдан, депутатликка номзодлар ҳақидаги маълумотлардан яхши хабардор. Сайлов участкаларида уларнинг таржимаи ҳоли, дастурлари хусусида тўлиқ маълумотга эга бўлиш мумкин.

Сиёсий партияларнинг сайловолди дастурлари билан танишиб чиқдим. Уларнинг ҳар бири сайловларда ютиб чиқиб, ижро ҳокимиятида ўз ўрнига эга бўлишга интилмоқда. Бу Ўзбекистонда кўппартиявийлик изчил ривожланаётгани, мамлакат ҳаётида сиёсий партияларнинг ўрни ортиб бораётганидан далолат беради. Сайловолди ташвиқоти кенг олиб борилаётгани одамларга муносиб номзодни танлашга ёрдам беради. Бу сиёсий тадбир тенглик, ошкоралик ва демократия тамойиллари асосида ўтказилишига ишонаман.

Эдгар КЛОЗЕ,
Бранденбург Технологиялар ва инновацияларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш институти бошқаруви раиси, профессор (Германия):

— Ўзбекистон сайлов қонунчилиги билан танишман. Кейинги йиллардаги ўзгартиш ва қўшимчалар соҳага оид меъёрий ҳужжатларни демократик тамойиллар асосида янада такомиллаштирди. Бу кутилаётган сайловларнинг адолатли ўтишига, фуқаролик жамиятининг ривожланишига хизмат қилади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни кузатиб бораман. Мамлакатингизда иқтисодиёт, фан-таълим ва технологиялар соҳаси изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Бугун дунёда тинч яшашнинг ўзи катта бахт. Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик халқингизнинг энг катта ютуғидир. Бундай мамлакатда тараққиёт, демократия бўлади. Одамлар эртанги кунга ишонч билан қарайди. Аҳолининг сайлов жараёнига қизиқиши, сиёсий билимдонлиги ва фаоллиги шундан бўлса керак.



Дэн ПЕТЕРСОН,
Сиэтл университети вакили, Сиэтл — Тошкент биродарлашган шаҳарлар уюшмаси президенти (АҚШ):

— Мустақиллик йилларида Ўзбекистон барча жабҳаларда катта муваффақиятларга эришди. Ҳар келганимда юртингизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганига, барча соҳаларда тараққиёт давом этаётганига гувоҳ бўламан. Мамлакатингиз қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда.

Мамлакатингизнинг сайловга оид қонунлари менда катта таассурот қолдирди. Хотин-қизлар сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг ўттиз фоизидан кам эмаслиги юртингизда аёллар қадри баланд эканидан далолат беради.

(Давоми иккинчи бетда)

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт, деган сўзлари замирида юртимизда ёш авлодни соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш борасидаги давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ўз ифодасини топган.

Mezon

Соғлом авлод – келажак пойдевори

Соғлом зурриёдни дунёга келтириш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёшларимиз, айниқса, қизларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол бўлиши, замонавий билим ва касб-ҳунар сирларини пухта эгаллаши, ўз иқтидор ва қобилиятларини рўёбга чиқариши учун кенг имкониятлар яратиш борасидаги саъй-ҳаракатлар шулар жумласидандир. Бугунги жисмонан соғлом ва маънан баркамол қизлар эртанги куннинг бўлажак оналаридир. Онани эъзозлаш халқимиз учун азалий қадриятдир.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш доирасида яратилган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш миллий модели жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Умуммиллий ҳаракатга айланган "Соғлом она — соғлом бола" дастури ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Бугунги кунда энг чекка туман ва қишлоқлардаги хотин-қизлар ва болаларга ҳам шаҳардагидан кам бўлмаган малакали тиббий ёрдам кўрсатилаётир.

Қишлоқ врачлик пунктлари, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг янги тизими, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, вилоятлар кўп тармоқли шифохоналари, перинатал ва скрининг марказлар тармоғи ташкил этилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Yangi qonun mohiyati

Инвестиция қонунчилигини такомиллаштириш

иқтисодий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади

Мамлакатимизда иқтисодий барқарорликни таъминлашда инвестицияларнинг ўрни йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шу ўринда рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2013 йилда ўзлаштирилган (асосий капиталга йўналтирилган) инвестицияларнинг умумий ҳажми 2012 йилга нисбатан 11,3 фоизга ортиб, 13,0 миллиард долларни ташкил этган. 2013 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига 3 миллиард доллардан ортиқ миқдорда хорижий инвестициялар жалб қилинган бўлиб, унинг 72 фоиздан зиёди ёки 2,2 миллиард доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳиссасига тўғри келади.

Айтиш керакки, миллий иқтисодиётимизга жалб этилган инвестициялар асосан иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларига йўналтирилмоқда. Жумладан, ўтган йил ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестицияларнинг 17,4 фоизи транспорт ва алоқа, 18,0 фоизи ёқилғи-энергетика, 4,2 фоизи қишлоқ хўжалиги ва 3,3 фоизи металлургия тармоқларига йўналтирилган бўлса, ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг жами инвестициялардаги улуши қарийб 30,0 фоизни, жумладан, уй-жой қурилишида 20,9 фоизни, таълим соҳасида 2,7 фоизни ва соғлиқни сақлаш соҳасида 2,9 фоизни ташкил этган.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun ijodkorligi

Жазоларнинг либераллаштирилиши

инсон ҳуқуқларини кафолатли ҳимоя қилишга қаратилган

Истиқлол йилларида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш жараёнида амалдаги қонунларни изчиллик билан такомиллаштириш, бугунги кун талабидан келиб чиқиб, уларга тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, жиноий жазоларни либераллаштириш, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, "Хабеас корпус" институтига оид нормаларни босқичма-босқич такомиллаштирилиши натижасида жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Бу борадаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида 2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги" қонун билан Жиноят-процессуал кодексига уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси киритилганини қайд этиш жоиз.

(Давоми иккинчи бетда)

Сўз — халқаро кузатувчиларга

Демократия, тинчлик ва осойишталик – тараққиёт омили

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Парламент фаолиятида атроф-муҳит муҳофазаси масалалари билан шуғулланадиган Экологик ҳаракатнинг мавқеи юқорилиги ҳам ўрнак олса арзигуликдир.

Тошкент шаҳридаги бир нечта сайлов участкаларида бўлиб, сайлов жараёнларига жуда пухта тайёргарлик кўрилганига, сайловчиларнинг эркин ва фаол овоз бериши учун барча шароит ва имкониятлар яратилганига гувоҳ бўлдим. Сайлов участкаларида ташкил этилган она ва бола хоналарини кўриб, ғоят таъсирландим. Ҳар бир участка сайловга оид қонун ҳужжатлари, тегишли қўлланмалар билан таъминланган.



Муҳаммад Жаъфар СИДДИҚ, *ёзувчи, публицист (Индонезия):*

— Президент Ислом Каримов раҳнамолиғида мамлакатни демократлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар ўз самараларини бермоқда. Бу сиёсий партияларнинг сайловолди курашларида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ўз аъзолари ва тарафдорлари сафини кенгайтираётгани, ҳокимият вакиллик органлари ишларида фаол иштирок этаётгани эътиборга молик.

Ўзбекистон Марказий Осиёдаги етакчи давлат. Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўли — "ўзбек модели" бугун мамлакатингизнинг ҳар соҳада юксак натижаларга эришишида муҳим омил бўлаётир. Ушбу машҳур модель бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш стратегияси сифатида Ўзбекистон тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланди.

Жерард ЛАНГЕДИЖК, *халқаро кузатувчи (Нидерландия):*

— Ўзбекистонда сайловчилар ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ишлар, сайловга доир қонунлар, сиёсий партияларнинг ва депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқотлари билан яқиндан танишмоқдаман. Сайловнинг очиқ ва ошкора ўтишини таъминлаш мақсадида участкаларга барча сиёсий партиялардан, хорижий мамлакатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлардан кузатувчилар жалб этилгани диққатга сазовор.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ва агросаноат ривожлангани ҳақида эшитган эдим. Юртингизга келиб гувоҳ бўлдикки, бу соҳа тараққиёти Нидерландиядагидан қолишмас экан. Фермерларга кенг имтиёзлар яратилгани, қайта ишлаш саноати изчил ривожланаётгани бизни қувонтирди.

Янг БО, *халқаро кузатувчи (Хитой):*

— Ўзбекистонда ҳар бир фуқаро миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши ва жинсидан қатъи назар, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга экани жуда эътиборлидир. Бу мамлакатингизда инсон ҳуқуқлари таъминланганидан, ижтимоий тенглик қарор топганидан далолат беради.

Тараққиётнинг "ўзбек модели" ўзининг ҳаётийлиги ва самарадорлигини оқлади, десак, ҳеч муболаға бўлмайди. Бу Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот барқарор ўсиб бораётгани, аҳоли турмуш даражаси тобора юксалаётганида яққол намоён бўлмоқда. Мазкур моделни яратишда халқаро андозалар билан бир қаторда миллий менталитет омиллари ҳам инобатга олингани жуда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда маҳалла институти ғоят пухта шакллангани ва фаол иш юритаётгани, уларнинг жамият ҳаётидаги роли ошиб бораётгани кўплаб мамлакатлар учун ўрнак бўла олади.

ЎзА мухбирлари Ирода Умарова, Нодира Манзурова ёзиб олди.

Qonun ijodkorligi

Жазоларнинг либераллаштирилиши

инсон ҳуқуқларини кафолатли ҳимоя қилишга қаратилган



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шуни таъкидлаш керакки, Жиноят-процессуал кодексига киритилган янги 242[1]-моддага асосан, уй қамоғи гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзида эҳтиёт чорасини танлаш учун асослар мавжуд бўлганида унинг ёшини, соғлиғи ҳолатини, оилавий аҳволини ва бошқа ҳолатларни инобатга олган ҳолда, қамоққа олиш номувофиқ деб топилган тақдирда, қўлланилиши белгилаб қўйилди.

Қонунда назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда ва дастлабки тергов давомида уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси танланганда прокурор, прокурорнинг розилиги билан терговчи уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради. Қарорда ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчини қамоққа олиш ёки уни уй қамоғига жойлаштириш заруратини келтириб чиқарган асослар баён қилинади. Прокурор уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосноманинг асослилигини текшириб, унга рози бўлган тақдирда, илтимоснома қўзғатиш тўғрисидаги қарор ва зарур материалларни судга юборади. Агар илтимоснома ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан қўзғатилаётган бўлса, қарор ва кўрсатилган материаллар ушлаб туриш муддати тугашидан камида ўн икки соат олдин судга тақдим қилиниши керак.

Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома жиноят содир қилинган ёки дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан кўриб чиқилади. Судья иш ҳолати бўйича ажрим чиқаради.

Эҳтиёт чорасини танлашда қўйилган айбнинг оғирлиги, айбланувчининг шахси, машғулот тури, ёши, соғлиғи, оилавий аҳволи ва бошқа ҳолатлар ҳам асос сифатида эътиборга олиниши зарур.

Айтиш керакки, ўзига нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсга муайян шахслар билан алоқада бўлиш, хат-хабар олиш ва жўнатиш ва улар ёрдамида сўзлашувлар олиб бориш, уй-жойни тарк этиш каби тақиқлар (чекловлар) ўрнатилиши мумкин.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг уй-жойидан чиқиши бўйича ўрнатилган тақиқларга риоя этиши устидан назорат амалга оширилаётганда, ички ишлар органи унинг яшаш жойида бўлишини исталган вақтда текширишга ҳақли. Текшириш кундузги вақтда кўпи билан бир марта ва тунги вақтда кўпи билан бир марта ўтказилади.

Бундан ташқари зарур ҳолларда, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсга нисбатан, электрон кузатиш воситалари ҳам қўлланилиши мумкин.

Агар тиббий кўрсатмаларга кўра, гумон қилинувчи ёки судланувчи соғлиқни сақлаш муассасасига олиб келинган ва ётқизилган бўлса, суд ўрнатган тақиқларнинг (чекловларининг) амал қилиши гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгартириш ёхуд бекор қилиш масаласи суд томонидан ҳал этилгунига қадар давом этади. Тегишли соғлиқни сақлаш муассасасининг ҳудуди уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини ижро этиш жойи ҳисобланади.

Ўрнатилган тақиқлар (чекловлар) уй қамоғида бўлган гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи томонидан бузилган тақдирда, унга нисбатан қўлланилган чора қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилади.

Маълумки, шахсни қамоққа олинишидан асосий мақсад — унинг дастлабки тергов ва суддан бўйин товлашига имконият қолдирмаслик, янги жиноятлар содир этиши ва иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилишининг олдини олишдан иборат.

Қайд этиш лозимки, Жиноят-процессуал кодексининг 237-моддасига асосан, муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат, шахсий кафиллик, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги, гаров, қамоққа олиш, вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш, ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви каби эҳтиёт чоралари тизимига уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг киритилиши жиноят содир этган шахсларнинг ижтимоий мослашувига қулай шароитлар яратилиши билан бир қаторда, оилаларни сақлаб қолиш, ножўя қилмиш содир этган шахсга ўз оиласи бағрида бўлган вақтда тегишли хулоса чиқариб олишига хизмат қилади.

Улуғбек МАҲМУДОВ,
Адлия вазирлиги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси масъул ходими

Maslahat

Солиқ қарзини тўлаш

қандай амалга оширилади?



Амалдаги Солиқ кодексининг 54-моддасида солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлашнинг умумий шартлари ҳақида сўз юритилган. Ушбу моддага асосан, солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш вақтинчалик молиявий қийинчиликка эга бўлган корхоналарга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсадида, тўлаш муддатини солиқ тўловчи қарз суммасини бир йўла ёки босқичма-босқич тўлаган ҳолда кейинроқ муддатга кўчиришдан иборатдир.

Солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган томонидан бир ойдан йигирма тўрт ойгача муддатга берилади.

Охирги ҳисобот санасидаги ҳолатга кўра, жорий активлар суммасининг жами 20 фоизидан ортиқ миқдордаги қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда молиявий санкцияларни ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ой ичида солиқ қарзи ойма-ой бўлиб тўланган ҳолда амалга оширилади.

Тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш солиқ қарзининг ҳаммасига ёки унинг бир қисмига нисбатан амалга оширилиши мумкин.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича пеня ҳисоблаш тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзни тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлашнинг амал қилиш даври бошланишидан эътиборан тўхтатиб турилади.

Акбар ЖАББОРОВ,
Олий суд катта консультанти

Mezon

Соғлом авлод –

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Уларнинг фаолияти Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига жавоб берадиган ташхис қўйиш, профилактика ва даволаш бўйича илғор технологияларга асосланган. Туғиш ёшидаги аёлларни мунтазам оммавий профилактика кўригидан ўтказиш йўлга қўйилган. Аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш ва репродуктив саломатликни яхшилашга доир кенг кўламли маърифий ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар мамлакатимиз аҳолисининг, жумладан, ёшларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ва уларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган. Бунда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизими самарадорлиги кучайтирилгани, соғлом авлод туғилиши ва тарбиясига йўналтирилган қатор кенг кўламли дастурлар амалга оширилаётгани диққатга сазовордир. Ўтган даврда оналар ва болалар ўлими 1991 йилдагига нисбатан уч баробар камайгани бу борада амалга оширилган ишларнинг яққол самарадорлигидандир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги "Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан туғруқ муассасаларининг фаолият стратегияси белгилаб берилди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматида ишлаётган мутахассисларни узлуксиз ўқитиш тизимини такомиллаштириш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, туғруқ муассасалари моддий-техник базасини, жумладан, инвестициялар ва грантларни жалб этиш ҳисобидан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимида тиббий-генетик ташхис қўйиш хизмати муҳим ўрин тутади. Ўзбекистонда энг илғор ускуналар билан жиҳозланган скрининг марказлари тармоғи ривожланиши билан тиббиёт генетикаси соғлиқни сақлаш тизими мутахассислиги рўйхатига киритилди. Бугунги кунда носоғлом болалар туғилишининг олдини олишга ёрдам бераётган бундай мутахассислар хизматидан аҳоли кенг фойдаланмоқда. Туғма нуқсони бор болалар туғилишининг 14 фоизга камайиши ҳам ана шундай ишлар самарасидир.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, оила — ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, халқимизнинг муқаддас урф-одатлари сайқал топадиган, келажак авлод камолотига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир. Конституциямизнинг 63-моддасида "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади", деб белгилаб қўйилган. Мазкур тамойил асосида мамлакатимизда оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унга моддий ва маънавий кўмак бериш чоралари кўрилмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, йигит-қизларнинг турмуш қуриш ёши оила мустаҳкамлигига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан биридир. Афсуски, айрим ота-оналар кўпинча фарзандининг келажак тақдири, бахт-саодати ҳақида ўйламай, ҳали балоғат ёшига етмаган қизини узатиш ёки қариндошимнинг қизи бегона бўлмасин, деб ўғил уйлантириш тараддудига тушади. Қизи ёки ўғлининг бўйи етганини билади-ю, ёши, оила қуришга лаёқати етиш-етмаслигини ўйлаб ҳам ўтирмайди. Бу эса, кўп ҳолларда, бўлғуси онанинг саломатлиги ва руҳиятига, қолаверса, ёш оиланинг мустаҳкамлиги, туғилажак фарзанднинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатади.

Скрининг текширувлари натижалари шуни кўрсатмоқдаки, болалардаги турли аномалиялар, айниқса, асаб тизими ва генетик нуқсонлар айнан қариндошлар ўртасидаги никоҳ туфайли юзага келади. Бунинг олдини олиш учун, аввало, ота-оналар етарли тиббий билим ва тушунчага эга бўлишлари лозим. Аммо айримлар эрта турмуш, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатини кўра-била туриб, шошма-шошарлик билан иш тутишлари оқибатида носоғлом фарзандлар дунёга келади, оилалар ўртасида совуқчилик пайдо бўлади.

— Қариндошлар орасида қайд этиладиган никоҳлар ўзининг салбий оқибатларини кўрсатиб келяпти, — дейди биология фанлари доктори, профессор Фароғат Олимхўжаева. — Бугунги кунда ҳам қариндошлар ўртасида қиз олиш, қиз бериш ҳолатлари учраётгани ачинарли ҳол. Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳдан туғма нуқсонли болалар туғилиши ўзаро қариндош бўлмаган ота-оналардан туғилган болаларга нисбатан икки баробар кўплиги аниқланган. Эрхотин соғлом бўлиши мумкин, аммо уларнинг наслида ирсий касалликлар қўзғалиш хавфи юқори. Чунки гўдакка геннинг ярми онадан, ярми отадан ўтади. Баъзи ирсий касалликлар генлардаги яширин (рецессив) зарарланиш ўчоқлари оқибатида юзага келади. Шундай ўчоқлар мавжуд генга эга қариндошларнинг ўзаро никоҳи натижасида ушбу касаллик белгиларининг юзага чиқиши кўпроқ бўлади ва оқибатда ногирон бола дунёга келади.

Yangi qonun mohiyati

Инвестиция қонунчилигини такомиллаштириш

иқтисодий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Миллий иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва иқтисодий ўсишга эришишда, жалб этилаётган инвестицияларни давлат томонидан янада рағбатлантиришда инвестиция қонунчилигини янада такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Шу боис демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида инвестиция қонунчилигини янада такомиллаштириш мамлакатимизда демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Концепцияда белгиланган ушбу устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун қабул қилинди ва 2014 йил 9 декабрда матбуотда эълон қилинди.

Айтиш керакки, ушбу қонун билан 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрири тасдиқланди.

Мазкур қонунни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад — хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг инвестиция жараёнларида иштирокини янада кенгайтириш, модернизациялашга инвестиция киритиш учун қўшимча шарт-шароит яратиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, шунингдек, инвестицияларни рағбатлантириш усулларини кенгайтириш, инвесторларнинг ҳуқуқлари ва мулкини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Ушбу қонун билан "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги қонунда белгиланган асосий тушунчалар доираси кенгайтирилиб, уларнинг мазмуни янада аниқлаштирилди. Хусусан, ривожланган хорижий давлатлар қонунчилик тажрибалари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиқиб, "инвестициялар" тушунчасининг мазмуни янада кенгайтирилди ва бу тушунчага қонун ҳужжатларида тақиқланмаган тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар, шунингдек, реинвестициялар сифатида таъриф берилди. Бундан ташқари инвестициялашнинг замонавий талаб ва шартларидан келиб чиққан ҳолда "реинвестиция" тушунчаси янада аниқлаштирилиб, ушбу тушунчага инвестициялардан олинган, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига киритиладиган ҳар қандай даромад, шу жумладан, фойда, фоизлар, дивидендлар, роялти, лицензия ва воситачилик ҳақи, техник ёрдам, техник хизмат кўрсатиш учун тўловлар ҳамда бошқа шаклдаги мукофотлар сифатида таъриф берилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда замонавий инновацион технологиялардан фойдаланувчилар, жумладан, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан ("банк-мижоз", "интернет-банкинг", "мобил-банкинг", "SMS-банкинг") фойдаланувчилар сони ҳам ортиб бормоқда. Чунончи, 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар сони 250 мингтадан ортди. Шундан, "интернет-банкинг" ва "банк-мижоз" дастурий мажмуаси хизматларидан фойдаланувчилар сони 75 мингтани ташкил этиб, уларнинг сони 2013 йилга нисбатан 2,3 баробарга кўпайди.

Гувоҳи бўлганимиздек, мамлакатимизда замонавий инновацияларга бўлган эҳтиёж ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Мамлакатимизнинг илмий-техникавий ва интеллектуал ривожланишига хизмат қиладиган инновацион инвестицияларни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида, қонуннинг 4-моддасида белгиланган инновацион инвестицияларнинг доираси кенгайтирилиб, уларга янги ёки такомиллаштирилган товарларни (ишларни, хизматларни), ишлаб чиқариш жараёнини, тадбиркорлик фаолиятини юритишда янги маркетинг услубини ёки ташкилий услубни ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга киритиладиган инвестициялар кириши белгиланди.

Маълумки, инвестиция лойиҳасини тузиш инвестициялаш жараёнининг муҳим босқичларидан бири ҳисобланади. Инвестиция лойиҳасини амалга оширишда инвестицияни шакллантириш тартибини аниқлаш мақсадида, янги қонун билан инвестиция лойиҳасига бағишланган махсус модда киритилди. Бунда инвестиция лойиҳасига иқтисодий, ижтимоий ва бошқа йўсиндаги фойда олиш учун инвестицияларни амалга оширишга қаратилган ўзаро боғлиқ тадбирлар мажмуи сифатида таъриф берилди. Шу билан бирга, инвестиция лойиҳасида акс этиши лозим бўлган масалалар доираси ҳам қонун билан аниқ белгилаб қўйилдики, бу, ўз навбатида, тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳалари тузишида қулайликлар яратади.

Шунингдек, ушбу янги қонун билан инвестиция фаолиятини рағбатлантириш ва ўрнатилган тартибда имтиёз ва преференциялар беришни аниқлаштириш мақсадида, инвестиция фаолиятини рағбатлантиришга бағишланган алоҳида модда киритилди. Унга биноан, давлат инвестиция фаолиятини рағбатлантиришнинг қуйидаги усуллари мустаҳкамланди:

инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш;

инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

солиқ ва божхона имтиёзлари, шунингдек, фаолият турига ва инвестиция ҳажмларига қараб, ҳар бир алоҳида ҳолат учун белгиланадиган муддатларга преференциялар бериш;

эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш;

халқаро шартномалар тузиш.

Илгариги "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги қонунда фақатгина марказлаштирилган инвестициялар доираси белгиланган бўлиб, марказлаштирилмаган инвестициялар билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинмаган эди. Ривожланган давлатлар қонунчилигида эса, марказлаштирилмаган инвестициялар доираси аниқ белгиланган. Юқоридагиларни инобатга олиб, қонуннинг 17-моддасида марказлаштирилган инвестициялар билан бирга марказлаштирилмаган инвестициялар доираси ҳам аниқ белгилаб қўйилди. Унга кўра, қуйидагилар марказлаштирилмаган инвестициялар ҳисобланади:

инвесторнинг ўз маблағлари;

банкларнинг кредитлари, шу жумладан, чет эл банкларидан Ўзбекистон Республикасининг кафолатисиз олинган кредитлар;

тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари.

Ўз навбатида, юқорида қайд этилганлар марказлаштирилмаган инвестицияларнинг якуний рўйхати бўлмасдан, бунда марказлаштирилмаган инвестициялар қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобидан ҳам амалга оширилиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Қонундаги яна бир муҳим янгилик шундан иборатки, унда "Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури" тушунчасига таъриф берилди. Яъни ушбу қонуннинг 20-моддасида Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган мамлакат иқтисодиётини барқарор ва изчил ривожлантиришга эришишга, мавжуд табиий, минерал хомашё, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўли билан мамлакатнинг айрим тармоқлари ва минтақаларини тузилмавий қайта ташкил этиш бўйича асосий устувор йўналишлар ҳамда стратегик вазифаларни рўёбга чиқаришга қаратилган, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини ўз ичига олган, ўзаро бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган чоралар мажмуи сифатида таъриф берилди.

Маълумки, инвестициялаш жараёнида инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш муҳим босқичларидан бири ҳисобланади. Аввалги "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги қонунда кичик бизнес субъектлари кредит ресурслари ҳисобидан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш тартибига оид масалаларга аниқлик киритилмаган эди. Бу эса, ўз навбатида, турли хил оворагарчиликларни келтириб чиқарар эди. Юқоридагиларни инобатга олиб, шунингдек, кичик бизнес субъектларининг инвестиция дастурларини қўллаб-қувватлаш мақсадида, ушбу қонуннинг 22-моддасида кичик тадбиркорлик субъектларининг банклар кредит ресурслари ҳисобидан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳалари мазкур инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида тижорат банклари томонидан экспертиза қилиниши лозимлиги қатъий белгиланди.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш жоизки, ушбу қонуннинг қабул қилиниши:

- мамлакатимиз инвестицион муҳити жозибадорлигини янада оширишга ҳамда миллий иқтисодиётимизга кириб келадиган инвестициялар улушининг кўпайишига;

- аҳоли бўш маблағларининг инвестиция жараёнларига фаол жалб этилиши орқали ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг янада ривожланишига;

- ишлаб чиқаришда янги инновацион технологияларни янада кенгроқ татбиқ этиш орқали тегишинча ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга;

- қўшимча янги иш ўринлари яратиш орқали аҳоли бандлигини оширишга хизмат қилади.

Улуғбек АЛОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

Айтинг-чи, адвокатлар хизматига ҳақ тўлаш қандай тартибда амалга оширилади?

Н.ҚОДИРОВ,
Наманган вилояти, Чуст тумани

— Маълумки, "Адвокатура тўғрисида"ги қонуннинг 11-моддасига кўра, адвокатларнинг меҳнатига жисмоний ва юридик шахслардан уларга юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун адвокатлик тузилмаларига келиб тушган маблағлар ҳисобидан ҳақ тўланади. Маблағлар етарли бўлмаган тақдирда, Адвокатлар палатасининг юридик маслаҳатхонани ташкил этган ҳудудий бошқармаси ушбу юридик маслаҳатхонанинг таъминоти учун қўшимча маблағлар ажратади.

Юридик хизмат учун ҳақ тўлаш адвокат билан ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) ўртасида ихтиёрий равишда тузиладиган битим (шартнома) асосида амалга оширилади.

Шахс тўловга қобилиятсизлиги сабабли кўрсатилган юридик ёрдам ҳақини тўлашдан озод этилганда, жиноий ишни кўриб чиқишда қатнашишга тайинланган адвокатнинг юридик ёрдами учун ҳақ тўлаш Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда давлат ҳисобидан амалга оширилади.

Амалдаги қонунларда тиббиёт эҳтиёжлари учун ихтиёрий равишда донор бўлган шахсларга қандай имтиёз ёки қулайликлар белгиланган?

Б.МАҲКАМОВ,
Сирдарё вилояти



— Маълумки, "Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида"ги қонуннинг 20-моддасига мувофиқ, донор қон ва унинг таркибий қисмларини топширадиган куни, шунингдек, тиббий кўрикдан ўтадиган куни ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод қилинади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларининг ўқувчилари, олий ўқув юртларининг талабалари, таълим олувчиларнинг бошқа тоифалари қон ва унинг таркибий қисмларини топширадиган куни, шунингдек, тиббий кўрикдан ўтадиган куни машғулотлардан, ҳарбий хизматчилар эса, нарядларни бажаришдан, хизматни ўташнинг вахта ва бошқа шаклларидан озод қилинадилар.

Донорга ҳар сафар қон ва унинг таркибий қисмларини топширган куннинг бевосита эртасига дам олиш учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча бир кун берилади. Донорнинг хоҳишига кўра, мазкур дам олиш куни ҳар йилги меҳнат таътилига қўшиб берилиши мумкин.

Айтинг-чи, фуқаролиги бўлмаган шахс ҳам Ўзбекистон Республикаси судларига мурожаат қилиши мумкинми?

Икром ТУРҒУНБОЕВ,
Тошкент шаҳри

— Ҳа, мумкин. Хусусан, амалдаги Фуқаролик процессуал кодекснинг 387-моддасида фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг фуқаролик процессуал ҳуқуқлари кўрсатилган бўлиб, унга кўра, фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси судларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар ва фуқаролик процессуал ҳуқуқлардан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан баравар фойдаланадилар.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ерларни қандай тартиб асосида қайтариб олиш мумкин?

Б.БЕКМУРАТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли тумани

— Маълумки, Ер кодексининг 91-моддасига асосан, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари уларга ғайриқонуний равишда эгалик қилинган ва фойдаланилган вақтда қилинган сарф-харажатлар қопланмаган тарзда тегишлилигига кўра, қайтарилади.

Ер участкаларини фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш, шу жумладан, ундаги иморатларни бузиш ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасини ер эгасига, ердан фойдаланувчига, ер участкаси ижарачисига ёки мулкдорига қайтариш тегишли туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарорига кўра, амалга оширилади.

Саволларга Олий суд катта консультанти Гулнора МИРЗААЛИМОВА жавоб берди

келажак пойдевори

Генлардаги ўзгаришларнинг барчасини ҳам ўз вақтида аниқлаш ва даволашнинг имкони йўқ.

Шу сабабли фарзандларнинг соғлом дунёга келиши ва баркамол вояга етиши учун қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш лозим.

Онадаги камқонлик оқибатида, организмда темир моддасининг етишмаслиги туфайли соч тўкилиши ва суякларнинг мўртлашуви, ҳомиладорликнинг оғир кечиши, кўп қон йўқотиш, ҳомила тушиши, гўдакнинг ногирон ёки нимжон туғилиши яқин қариндошлар орасидаги никоҳнинг аянчли оқибатларидир. Бундай ҳолларда она ҳам, гўдак ҳам жабр кўради, умрбод ногирон бўлиб қолиш хавфи ҳам мавжуд. Афсуски, ҳалигача фақат яқин қариндошларгагина қиз бериб-қиз оладиганлар йўқ эмас.

Бир жиҳатни унутмаслик лозим: ген билан боғлиқ айрим касалликларнинг яширин даври икки-уч авлод ўтиб ҳам юзага чиқиши тиббиётда ўз исботини топган. Оқибатда қайсидир аждоди томонидан қайд этилган қариндошлар ўртасидаги никоҳ, йиллар ўтиб, соғлом ота-онадан ногирон фарзанд туғилиши билан якун топиши мумкин.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, аёл қанча ёш бўлса, ҳомиладорлик давридаёқ турли патологик, экстрагенитал хасталиклар кучаяди, йўлдош етишмовчилиги, суяклар тизимида рўй берадиган ўзгаришларнинг салбий оқибатлари кўп бўлади. Эрта ҳомиладорлик, кўпинча, бола тушиши ёки ўлик туғилишига олиб келади, ҳомиланинг нуқсонли ривожланиши сабабли она ва бола саломатлигига катта хавф солади. Бундай асоратлар кейинги ҳомиладорликнинг нормал кечиши ва туғруқнинг табиий равишда амалга оширишига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари қошида ташкил этилган "Оила дорилфунуни" машғулотлари соғлом оилани шакллантириш жараёнида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу машғулотларда шифокорлар, ҳуқуқшунослар, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика саломатлик ва тиббий статистика институти вакиллари ёшларга никоҳгача тиббий кўрикдан ўтишнинг аҳамияти, қариндошлар ўртасидаги ва эрта никоҳнинг салбий оқибатлари, соғлом турмуш тарзи бўйича зарур маълумотлар бермоқда.

Оила кодексида қизларнинг 17 ёшдан никоҳдан ўтиш ҳуқуқи белгилаб қўйилган.

2013 йил 30 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, Жиноят кодекси "Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш" номли янги 125¹-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ муносабатларига киришиш, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш, шунингдек, никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш жавобгарликка сабаб бўлади. Шундай қилмишлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин яна содир этилса, белгиланган тартибда жиноий жавобгарликка тортилади. Яъни турли ҳолатларда энг кам иш ҳақининг йигирма баробаридан юз баробаригача жарима ёки бир йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ёхуд уч ойдан олти ойгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Қонунчиликка мазкур моддани киритишдан кўзланган мақсад Оила кодексининг 14-моддасида белгиланган талабларга қатъий риоя қилишдир. Ушбу моддада никоҳ тузиш ихтиёрий экани, никоҳ тузиш учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши ва никоҳ тузишга мажбур қилиш тақиқланиши белгиланган.

Айтиш керакки, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда жойларда "Соғлом оила", "Соғлом турмуш", "Репродуктив саломатлик", "Бола парвариши" каби мавзуларда давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилмоқда. Мактаб ўқувчилари учун "Соғлом авлод асослари", "Саломатлик дарслари" каби фан машғулотлари ташкил этилаётир. Коллежларда "Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш", "Оила ва никоҳ", "Соғлом турмуш тарзи ва оила" дарслари йўлга қўйилган. Булар ўз самараларини бераётир.

Ота-оналар фарзандларининг турмуш қуришга бўйи эмас, ёши етганини инобатга олса, қонунларимизда белгилиб қўйилган нормаларга амал қилса, ажрашишлар, бефарзандлик, жисмоний ва ақлий ривожланишида нуқсонли фарзандлар туғилишининг олди олинади. Зеро, ҳар бир инсоннинг ҳаётдаги энг катта мақсади бахтли оила қуриш, соғлом фарзандлар тарбиялаш ва уларнинг камолини кўришдир. Зотан, соғлом боланинг қувноқ кулгиси оламни мунаввар қилади. Унинг завқини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Абу Бакир ЎРОЗОВ,
журналист

Jinoyat va jazo

Эгри йўлнинг адоғи

Ҳаёт — инсонга берилган бебаҳо неъмат. Шу боис унга беписанд қараш, ҳар дақиқаси олтинга тенг умрни шамолга совуриш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди.

Суд очерки

Мисол тариқасида айтсак, Санжар Матёқубов ёши гарчи ўттиздан ошган бўлса-да, оила қуриб, рўзғор юритиш, жамият манфаатлари йўлида ҳалол меҳнат қилишни хаёлига ҳам келтирмади.

(Давоми тўртинчи бетда)

Munosabat

Ватан ҳимояси йўлида собит қадамлар

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Жамоатчилик кенгаши фаолияти бешта ишчи комиссия таркибида йўлга қўйилган. Улар томонидан Жамоатчилик кенгашининг 2014 йилги иш режасига мувофиқ, хизмат муддатини ўтаб бўлган муддатли ҳарбий хизматчиларни ҳарбий қисмлардан тантанали кузатиш ҳамда кутиб олиш, мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари изчил давом этмоқда.

Шунингдек, Жамоатчилик кенгаши томонидан жорий йил давомида ҳарбий қисм ва муассасаларда жами 80 га яқин тадбирлар ўтказилди. Хусусан, олий ҳарбий таълим муассасалари ва Сержантлар тайёрлаш мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей, маҳалла ва ҳокимиятларда ўтказилган бундай тадбирларда 12 минг нафардан ортиқ ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирок этди.

Ҳарбий қисмлар кутубхона жавонларининг йилдан-йилга янги адабиётлар билан бойиб бораётгани ҳам қувонарли. Бу ерда ҳарбий, бадиий ва тарихий асарлар сонининг ортаётганлиги ҳамда аскарларда китобхонлик даражаси ортаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Хизмат жараёнида турли адабиётлар билан танишаётган, дунёқарашини бойитаётган, ҳар қандай мавзуда жиддий ва мулоҳазали фикрлар билан баҳслаша оладиган аскарларни кўриб, энг илғор китобхон, бу — аскарлар деган фикрга келасиз.

Бу каби билдирилган фикрлар юзасидан Жамоатчилик кенгаши аъзоси Қодир Жўраев шундай дейди:

— Таъкидлаш зарурки, ҳозирги вақтда Жамоатчилик кенгаши таркибидаги комиссияларда бир қатор ишлар амалга оширилди. Булардан маънавий-маърифий, ватанпарварлик йўналишидаги режали тадбирлар ва уларда комиссия аъзоларининг иштироки тўлиқ ва сифатли таъминланди. Бир қатор ҳарбий қисмларда, жамоатчилик орасида кенг миқёсда турли мавзудаги анжуманларнинг уюштирилиши аскарлар ҳаётида унутилмас онларни қолдирган бўлса, ҳарбий соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳокамаси ўтказилиб, бунда бир қатор қонунчилик, қонуности актларини жамоатчилик назоратидан ўтказишга эришдик. Яна бир муҳим жиҳат бу — жамоатчиликнинг мудофаа сиёсатининг энг муҳим жиҳатларига оид таклиф ва мулоҳазаларини йиғиш ва умумлаштириш ҳамда улар билан вазирлик миқёсида танишиб чиқиш бўлди. Ўйлайманки, бу каби саъй-ҳаракатлар жамиятимизда мудофаа йўналишида янги ва истиқболли режаларни амалга оширишга замин яратади.

— Бугунги ёшларимиз, хусусан, ҳарбийларимиз замон билан ҳамнафас қадам ташлайдиган, ҳар бир воқеа ва ҳодиса ҳақида ўз фикрига эга инсонлардир, — дейди Жамоатчилик кенгаши аъзоси Акмал Нуриддинов. — Вилоятларда кечадиган учрашувларда офицерларнинг ўзбек ва жаҳон санъати ва адабиётидан берган саволлари кишини тараддудлантириб қўйиши, қизғин баҳс-мунозарали учрашувларнинг, том маънода, санъат кечаларига айланиб кетиши, айниқса, қувонарли. 2015 йил — мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилинди. Биз ижодкорлар ҳам ҳарбий фаолият давомида аскарларимиз маънавиятини, санъатга меҳрини оширишда, миллий қадриятларимиз, ўзбекона ахлоқ-одобдан тарбия берувчи кексаларимизни ардоқлашга чорловчи ижодий ишларимиздан уларни баҳраманд қилиб боришга астойдил бел боғлаганмиз.

Дарҳақиқиат, мустаҳкам иродали, тўғрисўз, жисмонан ва руҳан етук, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлайдиган, тинчлик ва барқарорлигимизни ҳимоя қила оладиган ёшларнинг Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётгани хотиржамлигимиз гарови. Бу йўлда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг фаолияти ҳам муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

"Туркистон-пресс" мухбири Наргиза АСАДОВА тайёрлади.

Jinoyat va jazo

Эгри йўлнинг адоғи

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

У бу ҳаётда бахту иқболга фақат эзгу ва савоб ишларни касб қилган, тинимсиз интилган, изланган, фидойилик, ҳалоллик ва поклик сингари соф инсоний фазилатларни умрининг мазмуни деб билган киши эришиши мумкинлигини, бунинг аксини тутганлар эса, бир кунмас-бир кун боши эгилиб қолишини ўз вақтида англаб етмади. Юртимизда улкан бунёдкорлик ишлари тобора авж олаётган, ишчи кучига ҳамма жойда эҳтиёж сезилаётган, меҳнат майдони ўз бағрига муносиб кишиларни чорлаётган бир пайтда у ўз юрти қолиб, иш излаб хорижга йўл олди. Меҳнатнинг озини, даромаднинг эса, мўлини кўзлади. Шу аснода, оиласи ва фарзандини аро йўлда қолдирганча ўзга юртга келиб қолган Гуллола исмли аёл билан танишиб қолди. Буни қарангки, кўр кўрни қоронғуда топади, деганларидек, Гуллола ҳам оила аталмиш муқаддас даргоҳга қўл силтаганлардан бўлиб чиқди. Гарчи унинг қонуний никоҳдан ўтган эри ва гулдай фарзанди бўлса-да, буни парвойига келтирмади. Хиёнат йўлига кирди.

Орадан кўп ўтмай улар бирга Хоразмга қайтиб келишади. Санжар Гуллолани оила аъзоларига бўлажак хотиним, дея таништирди. Гуллола ҳам ундан қолишмади, шу йигитда кўнгли борлигини яшириб ўтирмади. Бироқ Санжарнинг яқинлари унга сира ҳам рўйхушлик бермади. Гуллоланинг акаси Ботир Матчонов эса, синглисининг қилмишини оиласи учун катта иснод деб билди. Аммо бунга қарамай, Санжар билан Гуллола ўзаро борди-келдини канда қилишмади. Аниқроқ айтганда, Гуллола бу хонадонга тортинмай келиб кетар, Санжар эса, Гуллоланинг акаси — Ботирнинг ғазабидан чўчиб, унинг олдига яширинча бориб турарди. Ботир синглисининг уйига унинг келиб-кетиб юрганлигини пайқамай қолмади.

Айтиш керакки, 2014 йил май ойининг охирларида Санжар яна чет элга кетиш учун тайёргарлик кўра бошлади. Гуллола эса, бу гал унга ҳамроҳлик қилолмаслигини билдирди. Шу боис Санжар хорижга жўнашдан бир кун олдин Гуллоланинг уйига келди.

Ботир эса ўша куни кечқурун яқин дўстининг туғилган кунини нишонлаш учун меҳмондорчиликка отланди. У синглисининг уйи олдидан ўтиб бораркан, ичкаридан эркак кишининг овози қулоғига чалинди. Меҳмондорчиликда ҳам боя синглисининг уйидан эшитилган эркак кишининг овози қулоғи остидан нари кетмади. Ботир аламини ичкиликдан олмоқчи, мастлик таъсирида ўша машъум овозни қулоғи остидан ҳайдаб солмоқчи бўлди. Аммо ичкилик ҳам ёрдам бермади, аксинча, асаблари баттар таранг тортди. У тун алламаҳал бўлган пайт уйига қайтди. Бироқ у уйига бориш ўрнига тўппа-тўғри синглисиникига йўл олди. Ботир синглисининг уйи яқинига келиб кузатишга тутинди. Кўп ўтмай ҳовлидан яна эркак кишининг овози эшитилди-ю, Ботир бирдан сергак тортди. У шоша-пиша қўл телефонини олиб, ўғли Наврўзга қўнғироқ қилди ва Гуллоланинг уйида аллақандай бегона одам борлиги, унинг ким эканлигини аниқлаш зарурлигини айтиб, тезда етиб келишини тайинлади. Аслида аммасининг уйига келган "меҳмон"нинг кимлигини Наврўз аввалдан биларди. Чунки Гуллола жиянига у ҳақда аллақачон гапириб берган ва улар ўзаро танишишга ҳам улгуришган эди. Бўлажак почча ва қайни ўша машъум воқеа рўй берган куни ҳам учрашишди. Аниқроғи, аммаси унга қўнғироқ қилиб, уйига келган "меҳмон" анча-мунча ичиб олиб, жанжал бошлаганини айтиб, ёрдамга чақирганди.

Наврўз ҳам тезда етиб келиб, Санжарни бироз тинчлантиргач, уйига қайтиб кетганди. Бироқ у ҳали уйига етиб бормай туриб, отаси қўнғироқ қилиб чақиргани учун тезда яна изига қайтди.

Синглисининг уйидан бегона кимсанинг овози тағин эшитилгач, Ботир чидаб туролмади. Ёнида ўзи билан олиб келган совуқ қурол — ов пичоғини қўлига олиб, ичкарига отилиб кирди ва ҳалиги кимсага ташланди. У қаҳр билан Санжарнинг танига икки-уч марта тиғ санчди. Айни шу дамда ўғли Наврўз ҳам етиб келиб Санжарни пичоқнинг галдаги зарбасидан қутқариб қолди. Санжар эса, жон ҳолатда уйдан қочиб чиқиб, тун қоронғусида кўздан ғойиб бўлди. Энди навбат уйнинг бир четида қўрқувдан дағ-дағ қалтираб турган синглиси Гуллолага келган эди. Ботир уни ҳам аяб ўтирмади. Унга бир неча марта пичоқ санчиб, жароҳат етказди. Хайриятки, Наврўз бу гал ҳам ўртага тушиб, аммасини қутқариб қолди. Кейин улар жароҳат олган Гуллолани зудлик билан касалхонага олиб кетишди.

Буёғини сўрасангиз, Санжар ҳам узоққа қочиб кетолмади, у, чамаси, уч юз қадамча югуриб боргач, юзтубан йиқилди ва кўп қон йўқотгани боис сал ўтмай жон таслим қилди.

Ҳаётга беписандлик билан енгил-елпи қараш ҳеч қачон изсиз кетмайди. Юқорида баён этилган воқеа ҳам бу фикрни тўлиқ тасдиқлайди. Оғир жиноий қилмишга қўл урган Ботир Матчонов қилмишига яраша жазо олди. Дарвоқе, дастлабки тергов органи ва суд ҳайъати уни Санжарнинг умрига зомин бўлгани учун Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми, синглисининг ҳаётига қилган тажовуз учун ушбу кодекснинг 25-97-моддаси 2-қисми бўйича айбдор, деб топди ва қонуний жазо тайинлади.

Халқимиз оилани муқаддас даргоҳ деб билади. Шу боис ана шу муқаддас гўшага хиёнат қилган, севги-муҳаббатни бир эрмак, кўнгилхушлик деб билган, ўткинчи ва енгил-елпи ўй-хаёллар гирдобига тушган кишилар ҳеч қачон иззат-ҳурматда бўлмайди. Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.

Ҳасанбой МУҲАММАДЖОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судининг судьяси,
Абдулла СОБИРОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

G'aroyib olam

Маълумки, газетамизнинг ўтган сонида табиат мўъжизаси бўлмиш ёмғирнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида мухтасар ҳикоя қилган эдик. Бугун эса, зумрад фасл — қишнинг бетакрор ғаройиботлари ҳақида сўз юритамиз.

Биз билган ва билмаган дунё

Маълумки, қор — қишнинг зийнати. У, моҳиятан, ҳаво ҳарорати 0 даражадан паст бўлганда булутлардан муз кристаллчалари тарзида ёғадиган ёғин тури ҳисобланади. Яъни ҳаво ҳарорати 0 даража атрофида бўлганда қор учқунлари ҳавода бир-бири билан жипслашиб, диаметри 1 сантиметргача ҳажмни эгаллайдиган турли қор парчаларини ҳосил қилади. Қор парчаларининг қарийб 95 фоизи ҳавода пайдо бўлганлиги боис, уларнинг жипслиги нисбатан суст бўлиб, осмондан ерга тушиш тезлиги соатига ўртача 0,9 километрни ташкил этади.

Албатта, қор парчаларининг ҳолати, таркиби ва ҳатто ҳажми ўша ҳудуднинг иқлими, рельефи ва бошқа жуғрофий хусусиятларига ҳам бевосита боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам айрим жойларда кепакдек, яна бошқа минтақада эса, каттагина қор парчалари ер саҳнини оққа бўяйди. Масалан, 1887 йил 28 январда АҚШнинг Форт-Кео шаҳрида диаметри 38 сантиметрни ташкил этган ер юзидаги энг йирик қор парчаси рўйхатга олинган. Бу ноёб табиат ҳодисасини шу кунга қадар бирон-бир олим батафсил тушунтириб бера олмаяпти. Чунки табиат қонунларига кўра, одатда, қор учқунларининг ўртача катталиги 5 миллиметрдан ошмайди.

Бундан ташқари айрим тоғли ҳудудларда антиқа қор ёғиши ҳам қайд этилган. Масалан, АҚШнинг Калифорния штатидаги Сьерра-Невада тоғ тизмасида маҳаллий халқ тилида "тарвуз қор" деб аталадиган мўъжизани кузатиш мумкин. Бунинг асл сабаби шундаки, пушти рангдаги бу қорда худди тарвузникига ўхшаш ҳид ва таъм бор. Олимларнинг изоҳ беришларича, ушбу қор таркибида "Chlamydomonas nivalis" деган сув ўти мавжуд. Айнан ундаги астаксантин моддаси оқ қорнинг пушти рангга киришига сабаб бўлар экан.

Бундан ҳам қизиқ томони шундаки, қор фақат инсоният макони бўлмиш Ер сайёрасидагина эмас, балки коинотда ҳам ёғар экан. Масалан, Марс сайёрасида худди Ердагидек қор ёғиши мутахассислар томонидан аллақачон исботланган. Шу билан бирга, ушбу "қизил сайёра"да қаттиқ углекислотадан иборат ғоят антиқа қор ҳам ёғиб туради.

Айтиш керакки, ер шарининг шимолий ҳудудларида яшайдиган халқлар тилида қорни тавсифловчи йигирмадан ортиқ сўз ишлатилса, курраи замин аҳолисининг ярмидан кўпи қорни фақатгина сурат ёки фильмларда кўришар экан. Масалан, Австралияда йил давомида ҳаво ҳарорати иссиқ сақланиши боис маҳаллий халқ қорни умуман кўрмаган, аксарияти бу табиат мўъжизасини бир бор ушлаб кўришни умр бўйи орзу қилишади.

Сир эмаски, табиий муҳитнинг ҳолати бир-бирига бевосита ва билвосита ўзаро таъсир этиб турувчи кўплаб омилларнинг мураккаб мажмуидан таркиб топган. Бу омилларнинг биронтасида ўзгариш рўй берса, яхлит ҳодиса — табиий мувозанат бузилади. Хусусан, Канада ҳудудидаги қояли тоғларнинг шарқий ҳудудида ҳукмронлик қилувчи, маҳаллий аҳоли томонидан "чинук" деб аталадиган иссиқ шамол бир неча дақиқа ичида ҳаво ҳароратини 30 даража ва ундан баландроққа кўтариб юборади. Натижада қалинлиги 30 сантиметр бўлган қор қатлами бир томчи сувсиз ҳам буғланиб кетиши мумкин. Ёзда эса, бу шамол туфайли меваларнинг пишиб етилиши ҳам кескин тезлашади. Натижада уларда табиий меъёр, хусусан, таъм ва витаминлар калорияси пасайиб кетади.

Не ажабки, қор маҳсулотларининг халқаро бизнесда ҳам ўз ўрни бор. Мисол учун айтганда, гренландияликлар АҚШга ўзига хос маҳсулот, яъни шахталарнинг энг чуқур жойидан қазиб олинган соф биллурдай музни экспорт қилишни йўлга қўйишган. Махсус самолётларда келтирилган бу муз бўлаклари Нью-Йоркдаги қимматбаҳо ресторанларда ўта харидоргир ҳисобланади. Аниқроқ айтганда, миллион йиллар мобайнида тош қотган, фақатгина Гренландияда учрайдиган энг тоза муздан кесилган кубиклар яхна ичимликларга жон киритиб юборар эмиш.

Маълумки, данияликлар чанғи спортини жуда яхши кўришади. Бироқ бу ўлкада қор жуда кам ёғади. Шу боисдан ҳам, улар қорни темир йўл орқали, яъни вагонларга юклаб, Норвегиядан олиб келишади ва сира эринмай тепаликларга сочиб чиқишади. Улар чет элдан олиб келинган қорни шунчалик эъзозлашадики, иложи борича, унинг тез эриб кетишига сира ҳам йўл қўймаслик пайида бўлишади.

Буни қарангки, муз нафақат чанғи учишга, балки меваларни совуқдан асрашга ҳам хизмат қилар экан. Масалан, германиялик мутахассислар боғларда бирдан совуқ тушиши натижасида олмазорлар шикастланишининг олдини олиш мақсадида, муздан фойланмоқдалар. Улар олма новдалари ва гулкосаларига муз "кўйлаги" кийгизиб қўядилар. Ушбу ноёб "либос" дарахтларни 10 даража совуқдан ҳам бемалол асрайди. Уларни музлатишда оддий сув пуркагичдан фойдаланилади, яъни кўчатларга совуқ сув пуркалади, сув эса ҳавода аста музлайди ва кўчат новдаларида муайян мутаносиб ҳароратни ушлаб туради. Муз "тўн" уларнинг куртакларини минус 0,5 даражагача совутади, бироқ ҳеч қандай зарар етказмайди.

Хитойлик олимлар эса, мамлакатнинг шарқий-шимолий ҳудудида қиш ёз мавсумига нисбатан бирмунча иссиқроқ бўлишини таъкидлашади. Бу ҳудуд Ляонинг вилоятида жойлашган бўлиб, ёз мавсумида ўртача ҳарорат 12 даража совуқ бўлса, қишда 17 даражагача иссиқ ҳолат кузатилади. Олимлар табиатнинг бу ғаройиб ҳодисасига ҳали-ҳануз изоҳ беришгани йўқ.

Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шоюнус ГАЗИЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Қўчқор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй. Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Нашр индекси: Якка тартибда: 574, ташкилотлар учун: 575.

Буюртма: Г-1222. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 6756.
1 2 3 4 5 Топшириш вақти: 19⁰⁰ Топширилди: 19³⁰